



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 10 октябрь, № 196 (6379) Шанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

янги авлоднинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлмоқда



Маълумки, Президентимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида амалда ўзини оқламаган эски мустабид тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб, янгича, мустақил фикрлайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, изланиш ва доимо изланиш, гурур ва ифтихор билан яшайдиган янги авлодни тарбиялаш бўйича улкан вазифалар адо этилганига алоҳида тўхталиб ўтилди.

ФАХР

Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, унга миллий кадриятларимизга уйғун ҳолда замонавий ютуқларни татбиқ этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Машҳур беш тамоийлга асосланган тараққиётнинг

“Ўзбек модели” ана шу янгила-нишларда муҳим дастуриламал-га айланди. Шу асосда республи-камиз мазкур жабҳада ҳам қисқа вақт ичида асрларга тати-гулик ютуқларга эришди.

Энг аввало, ушбу жараёнлар-да тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди. Фуқа-

роларимизнинг сифатли таълим олишига оид ҳуқуқлари Консти-туциямизда белгилаб қўйилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дас-тури қабул қилинди. Улар ижро-сига мувофиқ, 9+3 схемаси бўйи-ча 12 йиллик мажбурий таълим-нинг жорий этилиши ёшларнинг

чўқур билим эгаллаши, қизиқи-ши, имконияти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, муно-сиб касб танлаши, шу орқали жа-миятда ўз ўрнини топишида пой-девор вазифасини ўтаётти.

(Давоми 4-бетда).

— Ўзбекистоннинг тўғри танланган тараққиёт йўли, хусусан, унинг муҳим қисми бўлган таълим соҳаси бугун хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, — дейди Нидерландиянинг “Fontis” университети профессори Кис Ладаж. — Мамла-катингизда жорий этилган моделнинг ўзига хослиги шундаки, таълимнинг узлук-сизлиги тўла таъминланган. Яъни мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар фаолиятида ўзаро боғлиқлик йўлга қўйилган. Илм даргоҳларидаги ша-

роитлар билан яқиндан танишган киши эса ҳавас қилиши, шубҳасиз. Кенг ва ёруғ хоналар, энг сўнгги русумдаги ахборот-коммуникация технологиялари, лаборатория-лар ёшлар ихтиёрида. Шундай шароитларда таҳсил олаётган янги авлод вакиллари икки-уч тилда бемалол сўзлаша олади. Қўзлари ёниб туради, фикри теран, мақсади аниқ. Қайси бирини суҳбатга тортманг, “Ўзим севган касб сирларини пухта эгаллаб, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман”, дейди.

Кучли Фуқаролик Жамияти Сари

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида барчамиз деярли ҳар кунги товар-пул муноса-батларига киришамиз. Бироқ сотиб олинган маҳсулот ҳаммиса ҳам сифат стандартларига тўлиқ жавоб бермаслиги ёки хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида истеъмолчилар манфаат-ларига зид келадиган ҳолатлар учраши мумкин.

Истеъмолчи ҳуқуқи — доимий эътиборда

Бундай пайтда наинки истеъмолчи ўз ҳуқуқини билиши, айна чоғда унинг манфаатлари тегишли дав-лат ва нодавлат ташкилот-лари томонидан ишончли ҳимоя қилиниши талаб этилади.

Мамлакатимизда ушбу йўналишдаги изчил сайб-ҳаракатлар институционал түб ўзгаришларга ҳамроҳ равишда амалга оширил-ётгани истеъмолчилар ҳуқуқлари устуворлигини таъминламоқда. Ўзбеки-стон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, “Истеъмолчилар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжат-лар истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчилар, со-тувчилар ҳамда хизмат кўрсатиш субъектлари бил-ан ўзаро муносабатлари-ни тартибга солишда му-ҳим асос бўлиб хизмат қилаётти. Қонунчиликка биноан, истеъмолчилар

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига нодавлат сектор ҳам жалб этилганки, бу фуқаролик жамияти риво-жини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Пойтахтимизда “Оқсак ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамияти” мав-зуида бўлиб ўтган тадбир ана шу масалага бағиш-ланди. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси томонидан ўтказилган тадбирда Мар-казий банк, Соғлиқни сақ-лаш вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Фуқаро-лик жамияти шаклланиши-ни мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбе-кистон нодавлат нотижо-рат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

Сифатли сервис — юқори унумдорлик

Қишлоқ хўжалиги соҳасида самарадор-ликнинг юқори бўлиши кўп жиҳатдан фермер ва деҳқон хўжалиқларининг зарур техника воситала-ри билан таъминланган-лик даражаси, уларга сифатли сервис хизматлари кўрсатили-шига боғлиқ.

АНЖУМАН

Шу боис юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулот-лари етиштиришга ихтисос-лаштирилган хўжалик юри-тувчи субъектларини замона-вий техникалар билан таъ-минлаш, тежор сервис хиз-матлари кўрсатишга алоҳи-да эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2000 йилда иш бош-лаган “Ўзагроماشсервис” уюшмаси айна шу мақсад-да ташкил этилган бўлиб, ушбу жамоанинг сайб-ҳара-кати боис машина-трактор паркларининг фаолияти та-комиллашмоқда, кўрсатила-ётган хизматлар кўлами эса тобора кенгайиб бораётти.

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 8-9 октябрь кунлари Тошкентда “Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари” мавзуида II республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Етуқлик ва салоҳият

Тадбир “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳарака-ти, Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таъ-лими вазирликлари, Урта махсус, касб-хунар таъли-ми маркази, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғар-маси, Фуқаролик жамия-ти шаклланишини мони-торинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат таш-килотлари миллий ассо-циацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Олимлар, адиблар, маънавият тарғиботчилари, олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитув-чилари, иқтидорли тала-балар иштирок этган мазкур анжуманда истиқ-лол йилларида Юртбоши-миз раҳнамолигида билим-ли, мустақил фикр-

лайдиган, ўз манфаатла-рини Ватан ва халқ ман-фаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида сўз юритилди. Конференцияда ишти-рокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда, “Ўзбе-кистонда ёшлар сиёсати: бугунги ҳолати ва истиқ-боллари”, “Мамлакатни демократик янгилаш жара-ёнида ёшларнинг ҳуқуқий маъданиятини шаклланти-риш ва ижтимоий фаолли-гини ошириш”, “Мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётий позицияси ва мустақкам эътиқодга эга ёш авлод-ни тарбиялашнинг маъна-вий-маърифий асослари”, “Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар-нинг ижодий ва интел-лектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш”, “Ёшлар-

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг январь — июнь ойларида мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

21,6 фоиз ошди.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш, юқори технологияли қувватларни фойдаланишга топширишни тезлаштириш бўйича кўрилган тизимли чора-тадбирлар бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Қарши туманидаги “Ертепа серфайз воҳа” масъулияти чекланган жамияти қиш мавсуми учун мева-сабзавот жамғариб, аҳолига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш борасида катта тажрибага эга.

Қиш дастурхонига ёз неъматлари

Жорий мавсумда ҳам корхона тадбиркор-лари замонавий сову-тқичи омборга 100 тон-на олма ва 100 тоннадан ортиқ картошка гамлаш-га улгурди. Эътиборли-си, ушбу маҳсулотлар жамият ишчилари томо-нидан етиштирилган.

миз бор. Бу йил ҳосил-дорлик гектаридан 4 тон-нага етди. Шунингдек, ҳар йили ўзимизда картошка ва пиёз етиштириб, қиш учун жамғарамиз. Бунда бизга ўтган йили ишга туширилган 200 тонналик совутиқчи камерамиз қўл келаяпти. Унда маҳсулот-лар келгуси йилнинг баҳоригача сифатли сақланади.

— Деҳқончилик ва боғ-дорчилик асосий фаоли-ят туримиз ҳисобланади, — дейди корхона раҳба-ри Даврон Очилов. — Катта ҳудудда олмазори-

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Импорт ўрнини босади

Оҳангаронлик ёш тадбиркор Жавлонбек Ёқубжонов асос солган “Оҳангарон-пласт” масъулияти чекланган жамияти жамоаси айни пайтда ички бозорга импорт ўрнини босувчи полимер плёнка ва қувурлар етказиб бераёпти.

Шунингдек, бу ерда замонавий эшик-роғлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

— Ишни бошлашимизда тижорат банки ажратган 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит қўл келди, — дейди Жавлонбек. — Маҳсулотларимиз хариддорли-ги боис, даромадимиз кўпайиб, айланма маблағи-миз шаклланди. Шу боис кредитни ҳам муддатидан аввал қайтаришга муваффақ бўлдик.

Яқинда корхона фаолиятини кенгайтириш учун яна бир имконият туғилди. “Bank Expo — 2015” халқаро кўргазмасида муваффақиятли иштирок этган ёш жамоа-га анжуман ташкилотчилари томонидан банкнинг имти-ёзли кредитидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи серти-фикат топширилди. Бу маблағга Европадан қўшимча тех-нологик ускуна ва жиҳозлар олиб келиш кўзда тутилган.

Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қирқ тўртта лойиҳа амалга оширилди

Когон шаҳридаги “Восток РСК” масъулияти чекланган жамиятида полиэтилен идишлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Корхона тадбиркор-лари ушбу бизнес лойи-ҳани амалга оширишда ўз сарможалари ҳамда банк томонидан ажра-тилган 240 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағидан самарали фойдаланди.

Кичик корхона йилига 100 мингдан зиёд ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шаҳар иқтисодиёт бўлимининг маълумоти-га кўра, жорий йилнинг ўтган даврида Когонда умумий қиймати 11 мил-лиард сўмга тенг бўлган 44 та лойиҳа амалга оши-рилган.

Бу ерда эндиликда тоза ичимлик суви ва сут маҳсулотларини қадоқ-лашда ишлатиладиган идишлар тайёрланмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Боғбон»нинг кўркем гузари

Қувасой шаҳрининг “Боғбон” маҳалла фуқаро-лар йилгини ҳудудида янги гузар фойдаланишга топширилди.

Маъму атропофи ободонлаштирилиб, тур-ли манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Бу ерда фаолият бошла-ган савдо дўкони эса аҳолига қўшимча қулай-лик туғдирмоқда. Қола-верса, гузар қошида ташкил этилган мўъжаз-гина иссиқхонада парва-ришланаётган лимон

кўчатлари келгусида ма-ҳалла аҳли дастурхони файзига файз қўшади. Худуд тадбиркорлари-нинг 120 миллион сўм миқдоридаги маблағи ҳисобига иш бошлаган янги маъмуада 15 киши-нинг бандлиги таъмин-ланди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

янги авлоднинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Илгор таълим стандартлари

— Узоқ йиллардан бери педагог бўлиб ишлайман, — дейди Республика дизайни коллежининг тажрибали ўқитувчиси Тўхта Юсупова. — Фақатгина истиқлол туфайли ўқитувчи-мураббийлик касби қадр эъзоз топди, ушбу соҳада ишлаш катта шарафга айланди. Шунга яраша ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилди. Эсимда, мустабид тузум даврида республикада илм-фан ва таълим соҳасининг моддий-техник базаси, кадрлар таркиби ачинарли аҳволга тушиб қолган эди. Ўқув дастурлари замон талабларига мувофиқ жавоб бермасди. Ўқувчи ҳамда талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлашига йўл қўйилмасди. Энг ёмони, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аксинча, уларнинг собиқ совет тизимига ва сохта гоёларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ҳамда ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгалларди. Аксарият ёшлар ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, кўпроқ амалда дипломи бўлиб олиш илнжидда номи улуг, супраси қуруқ техникум ёхуд институтларга қиради. Жамиятда устозлик мақоми дегад тушунчанинг ўзи йўқ эди. Хўш, бундан нимани англаш мумкин эди? Шу нарса аён эдики, собиқ Иттифоқ ҳукумати одамларнинг тақдири, эртанги кунни умуман қизиқтирмасди.



моён эътиборга олинган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишлар бугуннинг ўзиде ўз натижасини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Мамлакатимизда маърифат ахлининг шарафли меҳнатини қадрлаш, эъзозлаш масаласи ҳам доимо эътиборда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили 1 октябрь сана си умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар кунни сифатида кенг нишонланади. Жаҳонда камдан-кам учрайдиган ана шундай байрамнинг таъсис этилиши зиёлиларимизга, уларнинг энг катта ва фаол қисмини ташкил этадиган минг-минглаб жонкуяр ўқитувчи ва муаллимлар, устоз ҳамда мураббийларга нисбатан чўқур ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Имконият ва рағбат

— Бугунги кунда касб-хунар коллежларида 216 та касб-хунар ва 543 та мутахассислик бўйича таълим берилаётган бўлса, академик лицейларда давлат таълим стандартлари асосида бешта йўналиш ҳамда 1500 дан ортиқ ўқув дастурлари асосида дарслар ўтиляпти, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори ўринбосари Зайниддин Худайбердиев. — Ушбу масканларда 117 мингдан ортиқ ўқувчилар ва педагоглар фаолият юритмоқда. Биргина шу йилнинг ўзиде академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида тўрт мингдан зиёд ёш мутахассислар — бакалавр ва магистрлар ишга жойлашди.

Хозирги вақтда юртимиздаги барча таълим, фан, маданият ҳамда маърифат муассасалари Таълим портали ва интернетга уланган. Бу эса таълим жараёнига масофадан туриб ўқитиш усуллари, ўқувчи ёшлар учун ахборот-коммуникация хизматларининг кенг мажмуини жорий этиш имконини бераётди.

Айни пайтда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари 69067 компьютер жамланмаси билан таъминланган бўлиб, мазкур кўрсаткич шу каби ўқув муассасалари ташкил этила бошлаган даврга нисбатан 33 баробар кўпдир. Қолаверса, 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб хунар таълимига қамраб олишни



ҳисобга олишнинг электрон базаси яратилди. “Кадрлар” электрон базасини жорий қилиш бўйича ишлар давом эттирилиб, уни оптик толали тармоқ орқали тизимдаги барча ўқув даргоҳларига улаш ишлари якунланмоқда.

Ўз навбатида, чет тилларини ўқитиш доимий диққат-эътибордадир. Зотан, бу ёшларимизга хорижлик тенгдошлари билан бемалол мулоқот қилиш, дунёда содир бўлаётган воқеаларни чўқур англаш имконини беради. Шунинг учун 2013 — 2016 йилларда 1573 та таълим муассасасидаги чет тиллари кабинетларини умумий миқдори 63,1 миллиард сўмлик лингвостроусуналари ва АКТ билан боқимча-босқич таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Жумладан, жорий йилда 500 та ана шундай хонани замонавий қурилмалар билан жиҳозлаш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, 2015/2016 ўқув йилидан эътиборан касб-хунар коллежлари ва академик лицейларига 481566 нафар 9-синф битирувчиси ўқишга кирди. Қабул жараёнлари

ўқувчиларнинг қизиқишлари ва меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Хусусан, янги ўқув йилида муҳандислик, қайта ишлаш ва қазиб чиқариш тармоқлари, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, хизмат ва сервис соҳасидаги мутахассислар кўпроқ тайёрланади. Иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқнослик йўналишларидаги квота эса қисқартирилди. Мактабни битирган қизларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, трикотаж маҳсулотлари технологи, тикувчи, ошпаз, модельер, саргарош, безатиш санъати устаси йўналишида қабул кўпайтирилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, бунда ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилаш, коллеж ўқувчиларининг амалиётини бўлғуси иш жойида ўташни ташкил этиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ун икки йиллик мажбурий таълимдан сўнг ёшларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртиларида ўқишни давом эттириши ҳам мумкин.



пухта таълим тизими асосида билим олган коллеж битирувчилари бугунги кунда турли соҳаларда меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишяпти. Ўз бизнесини йўлга қўяётганлари, тадбиркорликда муайян ютуқларга эришяётганлари ҳам кўп. Уларга молия муассасалари доимо мададкор.

Ўқоридагилардан кўриниб турибдики, республикаимизда яратилган шароитлар навқирон авлод дунёқарашли, фикрлашига ижобий ўзгаришлар олиб кирди, уларнинг ҳаётга бўлган муносабатини тубдан янгилар



Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ди. Бу жараёнлар эса давом этиб, янада такомиллашиб бораверади. Бошқача айтганда, таълимнинг миллий модели ҳар бир шахсга ўз йўлини танлаш ва ривожланиши учун тенг шароит ҳамда имкониятлар берди.

Гурур бағишлайдиган муваффақиятлар

Юртимизда ёш истеъдод эгаллари ҳар томонлама кўллаб-қувватланади. Уларга кенг йўл очиб берилган. Мисол учун, биргина 2014 йилда коллеж-лицей ўқувчиларининг 14 нафари Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Жорий йилда эса 10 нафари ана шундай эътирофга лойиқ кўрилди.

Умумтаълим фанлари бўйича академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган Республика олимпиадаларининг жойлиқ кўрилди. 2015 йилда академик лицейларда тахсил олаётганларнинг саккиз нафари кимё ва математика фанлари бўйича ўтказилган халқаро олимпиадаларда медалларга эришиб, таълимнинг кейинги босқичини имтиёзли тарзда давом эттирадиган бўлди.

Умуман, 2000 — 2015 йиллар давомида халқаро фан олимпиадаларида умумтаълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими даргоҳларининг

238 нафар ўқувчиси иштирок этди. Улардан олти нафари олтин, 29 нафари кумуш, 74 нафари бронза медалларини кўлга киритди, 50 нафардан ортиги эса дипломлар билан тақдирланди.

Шулар қаторида лицей ва коллежларнинг спорт базаси жадал ривожлантирилиб, ёшлар жисмоний тарбияга оммавий жалб этиляпти. Жаҳон стандартларига жавоб берадиган 15 та олимпия заҳиралари коллежиде спорт кадрлари тайёрланмоқда. Бинобарин, 1998 — 2014 йиллар мобайнида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг 117 нафари жаҳон миқёсидаги мусобақаларда, 168 нафари Осиё ўйинларида, 524 нафари халқаро турнирларда голиблар сафидан жой олди. Шубҳасиз, буларда фидойи ўқитувчи-мураббийларимизнинг ҳиссасини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Бундай ижобий ўзгаришлар, ютуқлар ва муваффақиятлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Энг муҳими, соҳадаги ислохотлар, аввало, фуқаронинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири — билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилиши, айни пайтда дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқара оладиган, “Бетақороримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” деб яшайдиган, юртига муносиб ва садоқатли инсонларни тарбиялашда ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг пировард мақсади ҳам аслида шулардир.

С. МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САЛОМАТЛИК

Вобкент туманидаги “Найитов В.В.” масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари атиргул баргидан шифобахш мой ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Атиргул баргидан шифобахш мой



— Юртимиз замини инсон саломатлиги учун жуда фойдали бўлган нознematларга бой, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Нодирхўжа Расулов. — Шундан келиб чиққан ҳолда, сабзавот, полиз, мева маҳсулотлари уруғи ҳамда гуллардан мой олишга қаратилган бизнес лойиҳамизни амалга оширдик. Бунинг учун зарур асбоб-ускуналар харид қилдик. Хозир атир-

гул барги, ўрик, шафтоли, бодом данаги, узум, қовоқ уруғидан халқ табиобатида кенг қўлланиладиган шифобахш мойлар ишлаб чиқараяпмиз. Кичик корхона жамоаси 42 турдаги маҳсулотни 100 ҳамда 25 граммли идишларда қадоқланган ҳолда савдо шохобчаларига чиқараяпти.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ибрат мактаби

Юртимизда ёши улуг кишиларни эъзозлаш доимий эътиборда. Бундай ғамхўрлик Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан янада кенг қўлоқ ёзмоқда.

ЭЪЗОЗ

Нуроний отахону онахонларнинг кўнгилдагидек умргузаронлик қилишлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун муносиб шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, бу каби эзгу ишлар мамлакатимизнинг бошқа худудларида бўлганидек, Сирдарё вилоятида

ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Бу ҳақда ижодкорлар Баҳор Холбекова ва Нуринисо Қосимова ҳам муаллифлигидаги “Пиру комил кексалар” номланган тўпламда батафсил ёритилган. Унда воҳадаги юз ёшдан ошган отахону онахонлар, уруш

хонлар, айниқса, ёшларимизни ҳозирги тинч-осойишта ҳаётимиз қадрини англаб етишга ундайди. Ўз навбатида, улар босиб ўтган мураккаб умр йўли келажакимиз эгаларининг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати ва садоқатини янада мустаҳкамлайди.

Айни чоғда тўплам қаҳрамонлари юртимизда кексаларга кўрсатилаётган юксак эъзоз ва эҳтиромдан бехад мамнун эканликларини билдирдилар. Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорликдаги спектакль

Ўзбекистон ёшлар театрида “Макбет” спектакли томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

МАДАНИЯТ

Уильям Шекспир асари асосида саҳналаштирилган ушбу спектакль айни кунларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикасининг “Хэбома” театри актёрлари томонидан ижро этилди.

Спектакль томошабинларда илқ таассурот қолдирди. Ўз навбатида, хорижликлар Ўзбекистонда театр санъатига қаратилган эътиборни алоҳида таъкидлашди. Айтиш жоизки, “Хэбома” жамоаси республикаимиздаги маданият ва санъатга иxtисослаштирилган таълим муассасалари ҳамда театрларда ҳам туркум ижодий учрашувларни ўтказишди.

Тоҳир ДЎСТМУҲАММЕДОВ.

БУНЁДКОРЛИК

Андихон вилоятида бир йўла иккита маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилди.

Сўлим масканлар яна иккитага кўпайди

Жумладан, Пахтаобод туманида тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этган сўлим масканда кўплаб янги аттракционлар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бу ерга таширф буюрувчилар дорбозларнинг чиқишлари, ашула ва рақс ансамблларининг

концерт дастурларидан баҳраманд бўлаётди. Андихон шаҳрида эса Нодирабегим номидаги маданият ва истироҳат боғи иш бошлади. Маскандаги ўйин қурилмалари, яхна ичимликлар ва музқаймоқ дўконлари фаолиятдан аҳоли мамнун. Элмурод ЭРМАТОВ.

РЕКЛАМА

«FPI DELIVERY SERVICE» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ва камҳаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.

Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от кучига эга. Дизель ва бензин ёнилғисиде ишлайди.



Маҳсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотариал идора). Маълумот учун тел.: (+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 377 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Жонионов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5